

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 500-ҳадис

500/911 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُتَيَّمِ الرَّجُلُ
أَخَاهُ مِنْ مَقْعَدِهِ وَيَجْلِسَ فِيهِ. قِيلَ: الْجُمُعَةُ؟ قَالَ: الْجُمُعَةُ وَغَيْرُهَا.

500.911 Ибн Журайж бундай хабар қилади:

«Нофёънинг шундай деяётганини эшитдим: «Мен Ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кишининг ўз биродарини ўтирган жойидан турғизиб, у ерга ўтириб олишидан қайтарганлар», деяётганини эшитганман».

Мен Нофёъга: «Жумадами?» дедим. У: «Жумада ҳам, ундан бошқада ҳам», деди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI